В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБСАЛАМОВ АКМАЛ ТОЛЛИБОЕВИЧ

ГОНОСОМАЛ ЭВОЛЮЦИОН ОПЕРАТОРДАН ҲОСИЛ ҚИЛИНГАН ТРАЕКТОРИЯЛАРНИНГ АСИМПТОТИК ХАРАКТЕРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of thesis abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБСАЛАМОВ АКМАЛ ТОЛЛИБОЕВИЧ

ГОНОСОМАЛ ЭВОЛЮЦИОН ОПЕРАТОРДАН ҲОСИЛ ҚИЛИНГАН ТРАЕКТОРИЯЛАРНИНГ АСИМПТОТИК ХАРАКТЕРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/FM516 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Розиков Уткир Абдуллоевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Жамилов Уйғун Умурович** физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
	Эшмаматова Дилфуза Бахрамовна физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 10 » сентябр соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174,Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail:uzbmath@umail.uz,Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» __________ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» ______________даги -рақамли реестр баённомаси).

А. Азамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раис ўринбосари,
ф.-м.ф.д., академик

Ж.К. Адашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н., катта илмий ходим

У.У. Жамилов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда ночизиқли операторлар динамик системаларини тадқиқ қилиш каби масалаларга келтирилади. Физика ва иқтисодиёт каби турли соҳалардаги тадқиқотларнинг асосий объектларидан бири гоносомал эволюцион операторларининг динамик системалари ҳисобланади. Шунингдек, ген частоталарининг таҳлилини ўз ичига олувчи математик биология ва популяцион генетика масалаларида популяциянинг эволюциясини тадқиқ қилишга гоносомал эволюцион операторларидан ҳосил қилинган динамик системалар билан боғлиқ натижалар асос сифатида хизмат қилади. Шу боис, гоносомал эволюцион операторидан ҳосил қилинган траекторияларнинг асимптотик ҳаракатларини ўрганиш ночизиқли операторлар динамик системалари назариясининг энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда динамик системалар назарияси кўплаб амалий масалаларнинг характерини тушунишда, таҳлил қилишда ҳамда оптимал ечимини топишда асосий восита сифатида қўлланилмоқда. Ҳозирда гоносомал эволюцион оператори динамикасининг тавсифи муҳим муаммо ҳисобланади. Бундай операторлар гемофилия, эркин ва икки жинсли популяциялар ва бошқа турдаги биологик ва физик системаларнинг кўплаб турлари бўйича текширувларда пайдо бўлган. Бу борада, чизиқли бўлмаган операторларнинг қўзғалмас нуқталарини топиш ва уларнинг турғунлигини текшириш, даврий нуқталар тўпламини тавсифлаш ва уларни типини аниқлаш, инвариант тўпламларни топиш ва уларнинг тузилишини тавсифлаш ҳамда траекторияларнинг лимит нуқталари тўпламини тавсифлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган геология, биология, математика ва физика фанларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, механика, бошқарув назарияси ва биологик системаларда кенг татбиқига эга бўлган ночизиқли эволюцион операторларнинг динамик системалари назариясини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Ушбу йўналишни ривожлантириш натижасида икки жинсли популяциянинг гоносомал эволюцион операторлари билан боғлиқ салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика ва статистик физика» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда гоносомал эволюцион операторлар динамик системалари назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори, 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарори ва 2020 йил 7 майдаги «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4708-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Физикавий ёки биологик системаларда математик моделларни тушунишга қаратилган ҳаракатлар дискрет-вақтли динамик системаларнинг усулларини ўрганишга қизиқиш уйғотди. Муайян популяция учун асосий математик муаммо бу популяция эволюциясини, яъни ҳолатларнинг вақтга боғлиқ динамикасини ўрганишдир. Ушбу муаммони ўрганишда фойдаланиладиган математик усуллар эҳтимоллар назарияси, стохастик жараёнлар, динамик системалар назарияси, математик ва функционал таҳлиллар, ҳамда дифференциал тенгламалар назариясига асосланган. 2021 йил июн ойи ҳолатига кўра MathSciNet маълумотлар базасида "популяция" сўзининг қидирув натижасида 42350 дан ортиқ мақолалар топилди. Ушбу маълумотлар базаси бўйича популяция билан боғлиқ биринчи нашр 1924 йилда Е.Б. Вилсон томонидан ёзилган. 2020 йилда фақатгина 1850 та нашр мавжуд эди. Шу боис ҳозирги кунда популяциялар динамикаси назарияси математикада жадал ривожланаётган соҳалардан бири дейиш асослидир.

Популяция динамикаси барча даражадаги тирик популяцияларни тушуниш учун муҳимдир. Математик биология соҳасида популяция динамикаси соҳаси популяцияларнинг сони ва ёш таркибини динамик система сифатида ўрганади. Бундан ташқари, популяция динамикаси ва уларнинг муқобилларига танлов йўқ бўлганда, 1961 йилда О. Реиерсол томонидан жуда самарали алгебраик ёндашув жорий қилинган. Ушбу ёндашув 1971 йилда Ю.И. Любич томонидан умумий эволюция тенгламасининг аниқ ечимларини тавсифлаш учун кенгайтирилди. Популяция динамикасини ўрганиш учун ночизиқли (хусусан, квадратик ва рационал) кўп ўлчовли эволюцион операторлари Х.Кестен томонидан киритилган. У квадратик эволюцион операторларининг умумий шакли учун ягона қўзғалмас нуқтага эга бўладиган етарли шартларни топди.

Гоносомал (рационал) операторлар биринчи бўлиб У.Розиков ва Р.Варро томонидан ўрганилган ва бу тадқиқотлар биологик системали гемофилияга нисбатан қўлланилган. 2020 йилда У.А. Розиков томонидан ёзилган “Популяция динамикаси: алгебраик ва эҳтимолли ёндошув” номли китобда эркин ва икки жинсли популяция назарияси тавсифланган бўлиб, асосан 2010 йилдан кейин олинган натижалар келтирилган. Шунингдек, ушбу китобда популяция динамикаси назариясидаги алгебраик ва эҳтимоллик ёндашувлар ҳам келтирилган. Бундан ташқари, кубик стохастик матрицаларнинг Марков жараёнлари натижасида ҳосил бўлган динамикалар каби биологик моделларнинг бир нечта динамик системалари (Ж.М.Касас, М.Ладра, У.Розиков, Б.Мамуров, С.Худаяровлар томонидан ўрганилган); жинсга боғлиқ популяциянинг динамикаси (Й. Любич, У.Жамилов, У.Розиков томонидан текширилган); чивин популяциясининг динамик системаси ва эволюцион алгебраси (М.Веласко, Р.Варро, У.Розиков, С.Шойимардонов); ва океан экосистемалари (С. Шойимардонов, У.Розиков) берилган. Ҳозирги кунга келиб, Р. Варро, Н.Н. Ганиходжаев, Р.Н. Ганиходжаев, У.У. Жамилов, А. Зада, М. Ладра, Ф.М. Мухамедов, У.А. Розиков, Ж.П. Тиан, О. Хакимов, А.М. Ҳардин, А.Ю. Ҳамраевлар томонидан ночизиқли операторлар динамик системалари бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилганлигига қарамай, ночизиқли операторлар орқали ҳосил қилинган динамик системалар учун лимит нуқталар тўпламини тўла тавсифини бериш ҳалигача очиқ масала бўлиб қолмоқда. Хусусан, гоносомал эволюцион оператори динамикасини ўрганишда ҳам кўплаб масалалар очиқлигича қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номидаги Математика институтининг ОТ-F4-82 + ОТ-F4-87 «Операторли ва ноассоциатив алгебралар локал дифференциаллашлари ва автоморфизмлари, чизиқли бўлмаган динамик системаларда фазали ўтиш ва тартибсизлик» + «Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва уларнинг механикада қўлланилиши» (2017-2020 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида ҳамда Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гоносомал эволюцион операторидан ҳосил қилинган дискрет вақтли динамик системаларда ихтиёрий бошланғич нуқта учун траекториянинг лимит нуқталари тўпламини тўла тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тегишли биологик системанинг турғун ҳолатини тавсифловчи гоносомал эволюцион операторларининг қўзғалмас нуқталари ва инвариант тўпламларини топиш;

даврий нуқталар тўпламини тавсифлаш ва уларни типини аниқлаш;

икки жинсли популяциянинг гоносомал эволюцион операторларидан ҳосил қилинган траекторияларнинг лимит нуқталарини тадқиқ қилиш;

гоносомал эволюцион операторлари траекторияларининг лимит нуқталарига яқинлашиш тезлиги ёрдамида биологик системада генетик касаллик (гемофилия) ни қанчалик тез ёки секинроқ йўқолишини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Гоносомал эволюцион операторларидан ҳосил қилинган дискрет вақтли динамик системалар.

Тадқиқотнинг предмети. Ночизиқли эволюцион операторлар назарияси, дискрет вақтли динамик системалар назарияси ва стохастик жараёнлар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда функционал анализ, эҳтимоллар назарияси, алгебра ва динамик системалар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нормаланган гоносомал эволюцион оператори ягона қўзғалмас нуқтасининг глобал тортувчанлиги исботланган;

икки жинсли популяциянинг гоносомал эволюцион оператори учун траекторияларнинг яқинлашиш тезлигининг тартиби топилган;

икки жинсли популяциянинг параметрли гоносомал эволюцион оператори координата бошидан бошқа тортувчи қўзғалмас нуқтага эга эмаслиги исботланган;

гоносомал эволюцион операторлар синфи учун унинг чексиз кўп қўзғалмас нуқталарга эгалиги ва ҳар бир қўзғалмас нуқталарга яқинлашадиган ўзаро кесишмайдиган траекториялар мавжудлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари математик биологиядаги популяция жараёнларининг математик моделлари гоносомал эволюция операторлари орқали ифодаланганлиги ва ушбу операторлар ёрдамида ҳосил бўлган динамик системада траектория лимит нуқталари тўпламини аниқлаш усулларини баён қилинганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ, эҳтимоллар назарияси, стохастик жараёнлар ва дискрет вақтли динамик системалари назарияси усулларидан фойдаланилгани ҳамда олинган натижалар математик жиҳатдан қатъий исботлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гоносомал эволюцион операторларидан ҳосил қилинган ночизиқли дискрет динамик системаларнинг характерини аниқлаш ва математик биология муаммоларини ҳал қилишдан иборат.

Диссертациянинг амалий аҳамияти популяция биологиясининг кўплаб моделларида қўзғалмас нуқталар ва траекторияларнинг лимит нуқталари тўпламларининг тавсифидан фойдаланган ҳолда популяция эволюциясини башоратлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гоносомал эволюцион операторидан ҳосил қилинган траекторияларнинг асимптотик характери бўйича олинган натижалар асосида:

нормаланган гоносомал эволюцион оператори ягона қўзғалмас нуқтасининг глобал тортувчанлигидан №ОТ-Ф4-03 рақамли "Узлуксиз ҳамда дискрет вақтли аниқ динамик системалар, қисмий интеграл операторлар спектлари" мавзусидаги фундаментал лойиҳасида стохастик операторлар траекторияларининг лимит нуқталари тўпламини тавсифлашда фойдаланилган (Қарши давлат университетининг 2021 йил 26-июндаги №04/2058-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши, Вольтерра ҳамда Вольтерра типида бўлмаган квадратик ва кубик стохастик операторларнинг лимит нуқталарини тавсифлаш имконини берган;

гоносомал эволюцион операторлар синфи учун унинг чексиз кўп қўзғалмас нуқталарга эгалигидан №ОТ-Ф4-02 рақамли "Математик физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси" мавзусидагифундаментал лойиҳасида физик системанинг трансляцион-инвариант қўзғалмас ва даврий нуқталарга мос Гиббс ўлчовларини тавсифлашда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 21-июндаги №04-04/01-158-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши, статистик физиканинг чекли сондаги спин қийматига эга бўлган бир нечта моделлари билан популяция моделлари орасидаги ўхшашликни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 90 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гоносомал эволюцион оператори қўзғалмас нуқтасининг глобал тортувчанлиги”** деб номланган биринчи бобида, популяция динамикаси ва гоносомал эволюцион оператори учун асосий тушунчалар ва таърифлар берилган. Нормаланган гоносомал эволюцион операторидан ҳосил қилинган динамик системаларни тадқиқ қилишда Розиков ва Варронинг гипотезаси исботланган. Бундан ташқари, гоносомал эволюцион операторидан ҳосил қилинган динамик система траекторияларининг характери ўрганилган.

Гемофилия - X гоносома билан боғлиқ рецессив касаллик: X^h орқали гемофилияни сақлайдиган X гоносомани белгиласак у ҳолда фақат иккита урғочи гинотиплар: XX ва XX^h (X^hX^h бу ўлимга олиб келади) ва иккита эркак гинотиплар: XY ва X^hY ларга эгамиз. Бизда тўрт хил мослик мавжуд:

$$\begin{aligned}
&XX\times XY \rightarrowtail \frac{1}{2}XX,\ \frac{1}{2}XY;\\
&XX\times X^hY \rightarrowtail \frac{1}{2}XX^h,\ \frac{1}{2}XY;\\
&XX^h\times XY \rightarrowtail \frac{1}{4}XX, \frac{1}{4}XX^h, \frac{1}{4}XY, \frac{1}{4}X^hY;\\
&XX^h\times X^hY \rightarrowtail \frac{1}{3}XX^h, \frac{1}{3}XY, \frac{1}{3}X^hY.
\end{aligned} \tag{1}$$

$F=\{XX, XX^h\}$ ва $M=\{XY, X^hY\}$ тўпламлар мос ҳолда урғочи ва эркак гинотиплар тўпламлари бўлсин. F тўпламнинг ҳолатини (x, y) ҳақиқий вектор билан, M тўпламнинг ҳолатини эса (u,v) ҳақиқий вектор билан белгилаймиз. У ҳолда $F\cup M$ тўпламнинг ҳолати $s=(x, y, u, v)\in\mathbb{R}^4$ вектор орқали берилади. Агар $s'=(x', y', u', v')$ вектор $F\cup M$ нинг кейинги наслдаги ҳолатини билдирса у ҳолда (1) қоидага асосан қуйидаги формула билан аниқланган $W:\mathbb{R}^4\to\mathbb{R}^4$ эволюцион операторга эга бўламиз

$$W:\begin{cases}
x'=\frac{1}{2}xu+\frac{1}{4}yu\\
y'=\frac{1}{2}xv+\frac{1}{4}yu+\frac{1}{3}yv\\
u'=\frac{1}{2}xu+\frac{1}{2}xv+\frac{1}{4}yu+\frac{1}{3}yv\\
v'=\frac{1}{4}yu+\frac{1}{3}yv.
\end{cases} \tag{2}$$

Ушбу мисолни умумлаштириш мумкин: Фараз қилайлик $F=\{1,2,\ldots,\eta\}$ урғочи типлар тўплами ва $M=\{1,2,\ldots,\nu\}$ эркак типлар тўплами, $x=(x_1,\ldots,x_\eta)\in\mathbb{R}^\eta$ вектор F тўпламнинг ҳолати ва $y=(y_1,\ldots,y_\nu)\in\mathbb{R}^\nu$ вектор M тўпламнинг ҳолати бўлсин.

Қуйидаги $W:\mathbb{R}^{\eta+\nu}\to\mathbb{R}^{\eta+\nu}$ эволюцион операторни қараймиз

$$W:\begin{cases} x'_j=\sum\limits_{i,r=1}^{\eta,\nu} p^{(f)}_{ir,j}x_iy_r, & j=1,\ldots,\eta \\ y'_l=\sum\limits_{i,r=1}^{\eta,\nu} p^{(m)}_{ir,l}x_iy_r, & l=1,\ldots,\nu. \end{cases} \tag{3}$$

бу ерда $p^{(f)}_{ir,j}$ ва $p^{(m)}_{ir,l}$ коэффициентлар

$$\sum_{j=1}^{\eta} p^{(f)}_{ir,j}+\sum_{l=1}^{\nu} p^{(m)}_{ir,l}=1.$$

шартни қаноатлантирувчи наслнинг ҳақиқий коэффициентлари. (3)- оператор гоносомал эволюцион оператор деб аталади.

Популяция ривожланиши s ҳолатидан бошланиб, кейинги наслда $s'=W(s)$ ҳолатига ўтади, кейин $s''=W(W(s))$ ҳолатига ўтади ва ҳоказо. Популяциянинг ҳолатлари қўйидаги дискрет вақтли динамик система орқали тавсифланади

$$s,\ s^{(1)}=s'=W(s),\ s^{(2)}=s''=W^2(s),\ s^{(3)}=W^3(s),\ldots$$

Бу ерда $s\in\mathbb{R}^{n+\nu}$ берилган бошланғич нуқта ва $W^n(s)=\underbrace{W(W(...W}_{n}(s))...)$ - W операторнинг s нуқтадаги n марта итерацияси.

Берилган (3)-оператордан ҳосил қилинган динамик система учун ихтиёрий s бошланғич ҳолатда $\{s^{(n)}\}_{n=0}^{\infty}$ траекториянинг лимит ҳалатини тавсифлаш асосий муаммодир.

Таъкидлашимиз керакки (3)-эволюцион оператор

$$S^{\eta+\nu-1}=\left\{s=(x_1,\ldots,x_\eta,y_1,\ldots,y_\nu)\in\mathbb{R}^{\eta+\nu}:\ x_i\geq 0,\ y_r\geq 0,\ \sum_{i=1}^{\eta}x_i+\sum_{r=1}^{\nu}y_r=1\right\}$$

симплексни симплексга акслантирмайди, чунки

$$\sum_{i=1}^{\eta}x'_i+\sum_{r=1}^{\nu}y'_r=\left(\sum_{i=1}^{\eta}x_i\right)\left(\sum_{r=1}^{\nu}y_r\right)$$

ифоданинг қиймати умумий ҳолда 1 га тенг эмас.

Қўйидаги белгилашни киритамиз

$$\mathcal{O}=\left\{s\in S^{\eta+\nu-1}:\ (x_1,\ldots,x_\eta)=(0,\ldots,0)\ \textit{ёки}\ (y_1,\ldots,y_\nu)=(0,\ldots,0)\right\}.$$

$$\mathcal{S}^{\eta,\nu}=S^{\eta+\nu-1}\setminus\mathcal{O}.$$

$W(\mathcal{O})=\{(0,\ldots,0)\}$ эканлиги равшан. $\mathcal{O}$ тўпламдан олинган нуқталар W оператордан ҳосил қилинган динамик системага таъсир қилмайди. Шунинг учун коэффициентлари

$$p_{ir,j}^{(f)}\ge 0,\ \ p_{ir,l}^{(m)}\ge 0,$$
$$\sum_{j=1}^{\eta}p_{ir,j}^{(f)}+\sum_{l=1}^{\nu}p_{ir,l}^{(m)}=1,\ \ \textit{барча}\ \ i,r,j,l\quad \textit{учун.}$$

шартларни қаноатлантирадиган V нормаланган гоносомал эволюцион операторни аниқлаймиз

$$V:\begin{cases} x_j'=\dfrac{\sum\limits_{i,r=1}^{\eta,\nu}p_{ir,j}^{(f)}x_iy_r}{\left(\sum\limits_{i=1}^{\eta}x_i\right)\left(\sum\limits_{r=1}^{\nu}y_r\right)}, & j=1,\ldots,\eta\\[2ex] y_l'=\dfrac{\sum\limits_{i,r=1}^{\eta,\nu}p_{ir,l}^{(m)}x_iy_r}{\left(\sum\limits_{i=1}^{\eta}x_i\right)\left(\sum\limits_{r=1}^{\nu}y_r\right)}, & l=1,\ldots,\nu.\end{cases}\tag{4}$$

(3)-оператор ва (4)-операторларнинг нормаланган манфий бўлмаган қўзғалмас нуқталари орасида ўзаро бир қийматли мослик мавжуд.

Агар $s=(x_1,\ldots,x_\eta,y_1,\ldots,y_\nu)$ нуқта (3)-операторнинг қўзғалмас нуқтаси бўлса, у ҳолда $\tilde{s}=(x_1/Z,\ldots,x_\eta/Z,y_1/Z,\ldots,y_\nu/Z)$ нуқта (4)-операторнинг қўзғалмас нуқтаси бўлади ва аксинча, бу ерда

$$Z=\left(\sum_{i=1}^{\eta}x_i\right)\left(\sum_{r=1}^{\nu}y_r\right).$$

Нормаланган эволюцион $V:\mathcal{S}^{2,2}\to\mathcal{S}^{2,2}$ оператор

$$V:\begin{cases} x'= \dfrac{2xu+yu}{4(x+y)(u+v)}\\[2ex] y'=\dfrac{6xv+3yu+4yv}{12(x+y)(u+v)}\\[2ex] u'=\dfrac{6xu+6xv+3yu+4yv}{12(x+y)(u+v)}\\[2ex] v'=\dfrac{3yu+4yv}{12(x+y)(u+v)}.\end{cases}\tag{5}$$

(2)-операторнинг нормаланган кўриниши ва бу (5)-оператор учун У.А. Розиков ва Р. Варро томонидан гипотеза сифатида берилган қуйидаги теорема исботланган.

1-теорема. *(5) орқали берилган* $V: S^{2,2} \to S^{2,2}$ *оператор гиперболик бўлмаган ягона* $s_0 = \left(1/2, 0, 1/2, 0\right)$ *қўзғалмас нуқтага эга ва ҳар қандай бошланғич* $s \in S^{2,2}$ *нуқта учун*

$$\lim_{n\to\infty} V^n(s) = s_0 = \left(\frac{1}{2}, 0, \frac{1}{2}, 0\right). \tag{6}$$

ўринли.

2-теорема. *(5)-операторнинг* $\left(x^{(n)}, y^{(n)}, u^{(n)}, v^{(n)}\right)$ *траекторияси учун қуйидаги баҳолар ўринли:*

$$\left|\frac{1}{2} - x^{(n)}\right| \le \frac{c_1}{n}, \quad \frac{c_2}{n} \le y^{(n)} \le \frac{c_3}{n},$$

$$\left|\frac{1}{2} - u^{(n)}\right| \le \frac{c_4}{n}, \quad \frac{c_5}{n} \le v^{(n)} \le \frac{c_6}{n}.$$

бу ерда $c_1, c_2, c_3, c_4, c_5, c_6$ *мусбат ўзгармаслардир.*

$s^{(0)} = (x^{(0)}, y^{(0)}, u^{(0)}, v^{(0)}) \in S^{2,2}$ бошланғич ҳолат $\{XX, XX^h; XY, X^hY\}$ генотиплар тўпламидаги эҳтимоллик тақсимоти бўлсин.

1-теорема биологик талқинга эга: Вақт чексизликка интилганда, популяция $s_0 = \left(1/2, 0, 1/2, 0\right)$ ҳолатига интилади, демак, популяциянинг келажаги барқарор: XX ва XY генотиплар ҳар доим омон қолади аммо, XX^h ва X^hY генотиплар асимптотик равишда йўқ бўлиб кетади. Бинобарин, фақат соғлом хромосомалар омон қолади.

(6)-натижанинг биологик талқинидан шуни кўришимиз мумкинки, (5)-оператор траекторияларининг характерини ўрганиш муаммоси гемофилиянинг наслдан наслга ўтишини тушунишда катта аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Параметрли гоносомал эволюцион оператори томонидан ҳосил қилинган динамик системалар”** деб номланиб, бу бобда биз параметрларга қараб, гемофилия наслдан наслга ўтишда параметрли гоносомал эволюцион операторидан ҳосил қилинган динамик системаларни кўриб чиқдик ва уларнинг траектория характерини ўргандик. Бундан ташқари, ω -лимит тўплам координаталар бошидан ёки чексизликдан иборат бўладиган хар хил шартларга эга бўлдик.

1-тасдиқ. $s = (0,0,...,0) \in \mathbb{R}^{\eta+\nu}$ *нуқта (3)-операторнинг қўзғалмас нуқтаси. Агар* $\delta \in [0,4)$ *ва (3)-операторнинг коэффициентлари манфий бўлмаган ҳақиқий сонлар бўлса, у ҳолда ҳар қандай бошланғич нуқта* $t = (x_1, ..., x_\eta, y_1, ..., y_\nu) \in Q_\delta$ *учун ушбу лимит ўринли,*

$$\lim_{n\to\infty} W^n(t) = \underbrace{(0,0,...,0)}_{\eta+\nu},$$

бу ерда

$$Q_\delta = \left\{ (x_1,...,x_\eta, y_1,...,y_\nu) \in \mathbb{R}^{\eta+\nu} : \sum_{j=1}^{\eta} x_j + \sum_{l=1}^{\nu} y_l \le \delta,\ x_j \ge 0,\ y_l \ge 0,\ j = \overline{1,\eta},\ l = \overline{1,\nu} \right\}$$

2-тасдиқ. *(3)-оператор коэффициентлари ва бошланғич* $t = (x_1,...,x_\eta, y_1,...,y_\nu)$ *нуқтанинг координаталари манфий бўлмаган ҳақиқий сонлар бўлсин. Агар*

$$\max_{\substack{1\le i,j\le\eta,\\ 1\le r,l\le\nu}} \{p_{ir,j}^{(f)} p_{ir,l}^{(m)} x_i y_r\} > 1,$$

бўлса, у ҳолда $\lim_{n\to\infty} W^n(t) = \infty$ *, яъни* $n\to\infty$ *да* $W^n(t)$ *нинг хеч бўлмаганда битта координатаси чексизликка интилади.*

3-теорема. *(3)-эволюцион операторнинг координата бошидан бошқа ҳар қандай қўзғалмас нуқтаси тортувчи эмас.*

Диссертациянинг **“Саноқсизта қўзғалмас нуқталарга эга регуляр гоносомал эволюцион оператор”** номли учинчи бобида, икки жинсли популяциянинг гоносомал эволюцион операторидан ҳосил қилинган динамик система ўрганилган. Бунда оператор чексиз кўп қўзғалмас нуқтага эга эканлигини кўрсатилган. Ҳар бир қўзғалмас нуқта 1 дан кичик ёки тенг хос қийматга эга эканлиги ҳамда ҳар бир траектория яқинлашувчи, яъни оператор регуляр эканлиги кўрсатилган. Саноқсизта инвариант тўпламлар мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бири ягона қўзғалмас нуқтани ўз ичига олади. Шундай қилиб, қўзғалмас нуқталар тўплами ва инвариант тўпламлар ўртасида ўзаро бир қийматли мослик мавжудлиги исботланган. Шунингдек инвариант тўпламдан олинган ихтиёрий нуқтанинг траекторияси унга мос қўзғалмас нуқтага яқинлашиши исботланган.

$\{1,2\}$ турларга ажралувчи урғочилар ва $\{1,2\}$ турларга ажралувчи эркаклардан иборат икки жинсли популяцияни қарайлик. $p_{ir,j}^{(f)}$ ва $p_{ir,l}^{(m)}$ лар ота-она жуфтлиги ir $(i,j=1,\dots,2$; ва $r,l=1,\dots,2)$ бўлганда мос равишда урғочи авлод j ва эркак авлод l бўладиган эҳтимолликлар бўлсин. Ушбу миқдорлар қуйидагича олинади:

$$\begin{array}{llll}
p_{11,1}^{(f)} = a & p_{11,2}^{(f)} = 0 & p_{11,1}^{(m)} = b & p_{11,2}^{(m)} = 0 \\
p_{12,1}^{(f)} = 0 & p_{12,2}^{(f)} = \sigma_1 & p_{12,1}^{(m)} = \sigma_2 & p_{12,2}^{(m)} = 0 \\
p_{21,1}^{(f)} = 0 & p_{21,2}^{(f)} = a & p_{21,1}^{(m)} = b & p_{21,2}^{(m)} = 0 \\
p_{22,1}^{(f)} = 0 & p_{22,2}^{(f)} = a & p_{22,1}^{(m)} = 0 & p_{22,2}^{(m)} = b.
\end{array}$$

У ҳолда бу миқдорларга мос эволюцион оператор $V_1 : S^{2,2} \to S^{2,2}$ ни қуйидагича аниқлаймиз

$$V_1:\begin{cases} x' &= \dfrac{axu}{(x+y)(u+v)} \\ y' &= \dfrac{\sigma_1 xv + ayu + ayv}{(x+y)(u+v)} \\ u' &= \dfrac{\sigma_2 xv + bxu + byu}{(x+y)(u+v)} \\ v' &= \dfrac{byv}{(x+y)(u+v)}, \end{cases} \tag{7}$$

бу ерда оператор коэффициентлари

$$a+b=\sigma_1+\sigma_2=1,\ a>0,\ \ b>0,\ \ \sigma_1\geq 0,\ \ \sigma_2\geq 0.$$

шартларни қаноатлантиради.

Ихтиёрий $s^{(0)}\in S^{2,2}$ бошланғич нуқта учун (7)-оператор $\{s^{(n)}\}_{n=0}^{\infty}$ траекториясини ўргандик, бу ерда

$$s^{(n)}=V_1^n(s^{(0)})=\underbrace{V_1(V_1(...V_1}_{n}(s^{(0)}))...)$$

V_1 операторнинг $s^{(0)}$ нуқтадаги n марта итерациясини билдиради.
(7)-операторнинг барча қўзғалмас нуқталари тўплами $Fix(V_1)=F_{11}\cup F_{12}$ бўлиб, бу ерда

$$F_{11}=\{(0,a,u,v):\quad u+v=b,\quad u,v\in[0,b]\}$$

ва

$$F_{12}=\{(x,y,b,0):\quad x+y=a,\quad x,y\in[0,a]\}.$$

$\lambda_1=0$, $\lambda_2=1$, $\lambda_3=1-\dfrac{v}{b}$ ва $\lambda_1=0$, $\lambda_2=1$, $\lambda_3=1-\dfrac{x}{a}$ қийматлар мос равишда F_{11} ва F_{12} қўзғалмас нуқталарнинг хос қийматларидир.

4-теорема. *Ихтиёрий $(x,y,u,v)\in S^{2,2}$ бошланғич нуқта учун (7) операторнинг траекториялар кетма-кетлиги*

$$V_1^n(x,y,u,v)=(x^{(n)},y^{(n)},u^{(n)},v^{(n)})$$

яқинлашувчи ва

$$\lim_{n\to\infty} x^{(n)}\cdot v^{(n)}=0.$$

ўринли.

1-натижа. *Ихтиёрий $t=(x,y,u,v)\in S^{2,2}$ бошланғич нуқта учун (7)-операторнинг ω-лимит нўқталар тўплами ягона нуқтадан иборат ва*

$$\omega(t) \in \begin{cases} \{(0,a,b,0)\}, & if \quad t=(x,y,u,v) \in T_0, \\ F_{12}\,, & if \quad t=(x,y,u,v) \in T_1, \\ F_{11}\,, & if \quad t=(x,y,u,v) \in T_2. \end{cases}$$

бу ерда

$$T_0 = \{(x,y,u,v) \in S^{2,2}: \quad \lim_{n\to\infty} x^{(n)} = \lim_{n\to\infty} v^{(n)} = 0\},$$

$$T_1 = \{(x,y,u,v) \in S^{2,2}: \quad \lim_{n\to\infty} v^{(n)} = 0, \quad \lim_{n\to\infty} x^{(n)} \in (0,a]\},$$

$$T_2 = \{(x,y,u,v) \in S^{2,2}: \quad \lim_{n\to\infty} x^{(n)} = 0, \quad \lim_{n\to\infty} v^{(n)} \in (0,b]\}.$$

1-таъриф. *Агар ихтиёрий бошланғич нуқта учун оператор траекторияси доим яқинлашувчи бўлса бундай оператор регуляр оператор дейилади.*

2-натижа.*(7)- оператор регулярдир.*

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$p_1 = \frac{\sigma_1}{a}, \qquad p_2 = \frac{\sigma_2}{b}.$$

p_1, p_2 параметрлар учун уч хил ҳолатлар мавжуд

1. $p_1 = p_2 = 1,$
2. $p_1 > 1 > p_2 \ge 0,$
3. $p_2 > 1 > p_1 \ge 0.$

(7)-операторнинг инвариант сирти учун қуйидаги теоремага ўринли:

5-теорема. *Қўйидаги тўплам (7)-операторга нисбатан инвариант сиртдир.*

$$\Omega_\theta = \left\{ \begin{array}{l} (x,y,u,v) \in S^{2,2}: \quad xv\left[1+(p_1-1)f\left(\dfrac{x}{x+y}\right)\right] = \\ = \left[\dfrac{x}{x+y} - f\left(\dfrac{x}{x+y}\right)\right](x+y)(u+v) \end{array} \right\}$$

бу ерда $f:[0,1] \to [0,1]$ силлиқ функция

$$\begin{aligned} &f(\alpha)(\alpha - f(\alpha))(1-\alpha)[1+(p_1-1)f(f(\alpha))] = \\ &\alpha(f(\alpha) - f(f(\alpha)))[1+(p_2-1)\alpha + (p_1-p_2)f(\alpha)] \end{aligned} \tag{8}$$

функционал тенгламанинг ечими.

Агар $p_1 = p_2 = 1$ бўлса (8)-функционал тенгламанинг кўриниши

$$f(\alpha)(\alpha - f(\alpha))(1-\alpha) = \alpha(f(\alpha) - f(f(\alpha))) \tag{9}$$

бўлади.

6-теорема. *(9)-функционал тенгламанинг ечимлари*

$$f(\alpha)=0,\ f(\alpha)=\alpha\ \text{ ва }\ f(\alpha)=\theta\alpha-\alpha^2$$

бу ерда θ *-ихтиёрий ўзгармас сон.*

5-теорема кўра, $p_1 = p_2 = 1$ бўлганда яъни $\sigma_1 = a$, $\sigma_2 = b$ учун

$$\Omega_\theta=\left\{(x,y,u,v)\in S^{2,2}:\quad \frac{v}{u+v}=\frac{x}{x+y}+1-\theta\right\}$$

тўплам (7)- операторга нисбатан инвариант сирт бўлади.

1-лемма. *Инвариант сирт* Ω_θ *учун*

$$\bigcup_{\theta\in[0,1)}\Omega_\theta=T_2=\{(x,y,u,v)\in S^{2,2}:yv>xu\},$$

$$\bigcup_{\theta\in(1,2]}\Omega_\theta=T_1=\{(x,y,u,v)\in S^{2,2}:yv<xu\},$$

$$\Omega_1=T_0=\{(x,y,u,v)\in S^{2,2}:yv=xu\}$$

ва

$$\Omega_{\theta_1}\cap\Omega_{\theta_2}=\varnothing\ \text{ ихтиёрий }\ \theta_1\neq\theta_2\ \text{ учун}$$

ўринли.

7-теорема. *Ихтиёрий* $t=(x,y,u,v)\in\Omega_1$ *бошланғич нуқта учун*

$$\lim_{n\to\infty}V_1^{(n)}(x,y,u,v)=\lim_{n\to\infty}(x^{(n)},\,y^{(n)},\,u^{(n)},\,v^{(n)})=(0;\,a;\,b;\,0).$$

Агар $\theta\in(1,2]$ *бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $t=(x,y,u,v)\in\Omega_\theta$ *бошланғич нуқта учун*

$$\lim_{n\to\infty}V_1^{(n)}(x,y,u,v)=\lim_{n\to\infty}(x^{(n)},\,y^{(n)},\,u^{(n)},\,v^{(n)})=(a(\theta-1);\,a(2-\theta);\,b;\,0).$$

Агар $\theta\in[0,1)$ *бўлса, у ҳолда ихтиёрий* $t=(x,y,u,v)\in\Omega_\theta$ *бошланғич нуқта учун*

$$\lim_{n\to\infty}V_1^{(n)}(x,y,u,v)=\lim_{n\to\infty}(x^{(n)},\,y^{(n)},\,u^{(n)},\,v^{(n)})=(0;\,a;\,b\theta;\,b(1-\theta))$$

ўринли.

Рақамли анализ шуни кўрсатадики, $p_1>1>p_2\geq 0$ (мос равишда $p_2>1>p_1\geq 0$) ҳол учун ўзаро кесишмайдиган инвариант сиртлар мавжуд бўлиб бу инвариант сиртлардан бошланувчи траектория инвариант сиртларга тегишли қўзғалмас нуқтасига яқинлашади.

$s^{(0)}=(x,y,u,v)\in S^{2,2}$ нуқта бошланғич ҳолат, яъни урғочи ва эркак турлар тўпламида эҳтимоллик тақсимоти бўлсин.

Натижаларнинг биологик талқинлари:

- Барча қўзғалмас нуқталар тўплами $S^{2,2}$ нинг чегараси эканлиги популяцияда камида битта урғочи ёки эркак тур келажакда йўқолиб кетишини англатади.
- Инвариант сиртларнинг мавжудлиги агар популяцияда бошланғич ҳолат бирор муносабатларни (инвариант тўпламларда келтирилган) қаноатлантирса у ҳолда популяция келажаги ҳам шу муносабатларни қаноатлантиришини англатади.
- Операторнинг регулярлиги популяциянинг ҳар бир ҳолати учун унинг лимит (охирги) ҳолатини аниқлашини билдиради.
- Ҳар бир $s^{(0)} \in T_0$ учун вақт чексизга интилганда урғочиларнинг 1 тури ва эркакларнинг 2 тури асимптотик равишда йўқолади.
- Ҳар бир $s^{(0)} \in T_1$ учун вақт чексизга интилганда эркакларнинг 2 тури асимптотик равишда йўқолади.
- Ҳар бир $s^{(0)} \in T_0$ учун вақт чексизга интилганда урғочиларнинг 1 тури асимптотик равишда йўқолади.

ХУЛОСА

Диссертация гоносомал эволюцион операторлардан ҳосил қилинган динамик системаларни ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Нормаланган гоносомал эволюцион оператори ягона қўзғалмас нуқтасининг глобал тортувчанлиги ҳақидаги Розиков ва Варронинг гипотезаси исботланди.
2. Икки жинсли популяциянинг гоносомал эволюцион оператори учун траекторияларнинг яқинлашиш тезлиги баҳоланди.
3. Икки жинсли популяциянинг параметрли гоносомал эволюцион оператори координата бошидан бошқа тортувчи қўзғалмас нуқтага эга эмаслиги кўрсатилди.
4. Гоносомал операторлар синфи учун унинг чексиз кўп қўзғалмас нуқталари топилди.
5. Гоносомал операторлар синфида ҳар бир қўзғалмас нуқта учун ўша қўзғалмас нуқталарга яқинлашадиган ўзаро кесишмайдиган траекторияларнинг мавжудлиги, яъни инвариант тўпламнинг нуқтасидан бошланган ҳар қандай траектория унга мос қўзғалмас нуқтага яқинлашиши кўрсатилди.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 INSTITUTE OF MATHEMATICS NAMED AFTER V.I. ROMANOVSKIY

SAMARKAND STATE UNIVERSITY

ABSALAMOV AKMAL TOLLIBOYEVICH

ASYMPTOTICAL BEHAVIOR OF TRAJECTORIES GENERATED BY GONOSOMAL EVOLUTION OPERATOR

01.01.01-Mathematical analysis

ABSTRACT OF THESIS OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PHD) ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

TASHKENT-2021

The theme of thesis of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2020.3.PhD/FM516.

Thesis has been prepared at Samarkand State University.

The abstract of the thesis is posted in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) on the website http://kengash.mathinst.uzand in the website of “ZiyoNet” Information and educational portal http://www.ziyonet.uz/.

Scientific supervisor:	**Rozikov Utkir Abdulloevich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
Official opponents:	**Jamilov Uygun Umurovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Senior researcher
	Eshmamatova Dilfuza Baxramovna Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Docent
Leading organization:	Namangan State University

Defense will take place « 10 » September 2021 at 16:00 at the meeting of Scientific Council number DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 at Institute of Mathematics named after V.I. Romanovskiy. (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

Thesis is possible to review in Information-resource center at Institute of Mathematics named after V.I.Romanovskiy (is registered №_____). (Address: University str. 9, Almazar area, Tashkent city, 100174, Uzbekistan, Ph.: (99871)-207-91-40).

Abstract of the thesis sent out on «____» ____________ 2021 year
(Mailing report № _____ on «____» ____________ 2021 year)

A. Azamov
Deputy Chairman of Scientific Council
on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Academician

J.K. Adashev
Scientific secretary of Scientific Council
on award of scientific degrees,
C.F.-M.S., Senior researcher

U.U. Jamilov
Chairman of Scientific seminar under
Scientific Council on award of scientific degrees,
D.F.-M.S., Senior researcher

INTRODUCTION

Actuality and demand of the theme of dissertation. In the world, numerous scientific and applied research works are reduced to the study of dynamical systems of nonlinear operators. Dynamical systems of gonosomal evolution operators are the principle object of the research in the various domains such as physics and economy. Moreover, results on nonlinear dynamical systems generated by gonosomal evolution operators are significant in the investigation of the problems of mathematical biology and population genetics. Hence, the investigation of the asymptotical behavior of the trajectories generated by gonosomal evolution operator remains one of the most important and actual tasks in the theory of dynamical systems.

Nowadays in the world, theory of dynamical systems has been proven to be a powerful tool for analyzing and understanding the behavior of a wide range of problems. This is now, the description of dynamics of a gonosomal evolution operator is an essential problem. Because such operators appear in investigations of hemophilia, free and bisexual populations and many other kind of biological and physical systems with multi-types of spaces. In this regard, the main issues are: to find the fixed points of nonlinear operators and investigation of their stability, to describe a set of periodic points and determine their type, to find invariant sets and describe their structure, description of the set of limit points of trajectories for a given nonlinear operator.

In recent years, our country has paid increasing attention to geology, biology, mathematics and physics, which have a scientific and practical application of fundamental sciences. In particular, special attention was paid to the development of the theory of dynamical systems of nonlinear evolution operators, which are widely used in mechanics, control theory and biological systems. Due to development of this direction it is obtained weighty results related to gonosomal evolution operators of a bisexual population. Investigations on the international level in such important areas as functional analysis, mathematical physics and statistical physics are considered as the main task of fundamental research.[2] At present, the development of investigations on the dynamical systems generated by gonosomal evolution operators plays significant role in the implementation of this decree.

The subject and object of research of this dissertation are in line with tasks identified in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan UP-4947 of February 7, 2017 “On the strategy of action for the further development Of the Republic of Uzbekistan”, UP-2789 dated April 20, 2017 “On measures to further develop the system of higher education”, PP-4387 from July 9, 2019 “On measures to further development of mathematical education and science, and also root improvement of the activity of the Uzbekistan Academy of Sciences

[2] Decree of Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan at the 2017year 18 May «On measures on the organization of activities of the first created scientific research institutions of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan» № 292 dated May 17, 2017.

V.I.Romanovsky Institute of Mathematics", and PP-4708 of May 7, 2020 "On measures to improve the quality of education and research in the field of mathematics" as well as in other regulations related to basic science.

